# “ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ 1-СОН БАЁННОМАСИ

**Хоразм вилояти, Хазорасп тумани,**
**Н. Машарипов кўчаси, 2-уй.**

**2023 йил 19 июнь.**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н.Машарипов кўчаси, 2-уйда “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **2 918 106.**

“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 27 майдаги 01/035-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 29 майда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 29 май.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К. Хусаинова йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбай Қодирбердиевич – “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна–жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Пирназаров Атаназар –жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси А. Пирназаров малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси М.Искандаровни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиги Хўжаниёзов Азамат Султонбоевични йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб М.Искандаров ва йиғилиш котиби этиб А. Хўжаниёзов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси А.Хўжаниёзовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 29 май ҳолатига шакллантирилган “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 728 та акциядорга тегишли 2 918 106 дона акциялар қатнашишн мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 286 900 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 78,3 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

С. Аллаберганов–жамият бош директори;

М. Мадаминов–жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

Б. Рахимов - МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
8. 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
12. Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
13. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
14. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.
15. Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**<u>Кун тартибидаги биринчи масала бўйича</u>** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг

умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 29 майдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибиға жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – А. Хўжаниёзов, иш ҳақи бўлими ҳисобчиси – С. Абдурахманов ҳамда материаллар харажатлар бўйича ҳисобчиси – У. Хаджаев номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

**1) А. Хўжаниёзов;**

**2) С. Абдурахманов;**

**3) У. Хаджаев.**

<u>**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича**</u> йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 15 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

<u>**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича**</u> жамият Бош директори С. Аллаберганов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги

фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди *(ҳисобот илова қилинади).*

Ҳисоботда жамиятнинг ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори С.Аллабергановга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи, М.Искандаров акциядорлардан бош директорнинг 2022 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. **Жамият ижроия органи раҳбарининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, жамият бош директори С. Аллаберганов ваколати тугаганлиги, ва бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги 4633-сон қарори ижросини ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси топшириқларини амалдаги қонунчилик талаблари бўйича хизмат вазифасини бажариб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ Бош директори Аллаберганов Сарварбек Худойназарович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилиш таклифини билдирди.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. "Хазорасп пахта тозалаш" АЖ Бош директори Аллаберганов Сарвабек Худойназарович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.**

**2. Жамият номидан Бош директори Аллаберганов Сарвабек Худойназарович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.**

**3. Жамият Бош директори С. Аллабергановга:**

**- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш хамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;**

**- "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш Лойиҳа офиси хамда "Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ томонидан бериладиган тавсияларни бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва зарур ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.**

<u>Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича</u> йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси К.Хусаннновага сўз берди.

К.Хусаннова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди *(ҳисобот илова қилинади)*.

Ҳисоботга асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

<u>Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича</u> "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 3 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг, "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 3 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

"Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида "Хазорасп пахта тозалаш" АЖнинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 3 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 3 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 3 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 3 майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.**

<u>**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича**</u> жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М. Мадаминовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди *(йиллик ҳисобот илова қилинади).*

Йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2022 йиллик бухгалтерия баланси, молиявий натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг 2022 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий**

**натижалари қониқарли деб топилсин ва ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.**

**<u>Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича</u>** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М. Мадаминовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди *(бизнес-режа илова қилинади).*

Йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. **Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**<u>Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича</u>** йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзни жамиятнинг бош директори С.Аллабергановга берди.

С.Аллаберганов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 3 446 283 186 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 516 942 477,90 сўм миқдорида тузилади ва 2023 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 1 142 888 001 сўм, яъни устав капиталнинг 33,16 фоизини ташкил этади.

Жамият акциядорларининг 2022 йиллик умумий йиғилиш қарорига асосан, 2021 йил соф фойдасидан 9 426 571 184 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган ҳамда мазкур 9 426 571 184 сўм маблағ жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш бўйича қарор қабул қилинган.

Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича 1 057 794 026 сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:

- Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича олинган 1 057 794 026 сўм хамда 2021 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 9 426 571 184 сўм жами 10 484 365 210 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

-соф фойданинг 19,09 фоизи яъни 2 001 820 716 сўм (дивиденд солиғи билан бирга)ни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 1,0 фоизи яъни 104 843 652 сўмни Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

-соф фойданинг 79,91 фоизи яъни 8 377 700 842 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 8 377 700 842 сўм маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича 1 057 794 026сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:**

**- Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича олинган 1 057 794 026 сўм хамда 2021 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 9 426 571 184 сўм жами 10 484 365 210 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади.**

**-соф фойданинг 19,09 фоизи яъни 2 001 820 716 сўм (дивиденд солиғи билан бирга)ни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;**

**- соф фойданинг 1,0 фоизи яъни 104 843 652 сўмни Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;**

**-соф фойданинг 79,91 фоизи яъни 8 377 700 842 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 8 377 700 842 сўм маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.**

**2. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.**

**- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 19 июнь 2023 йил.**

**- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 18 август 2023 йил.**

**3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.**

<u>Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича</u> йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 565 658 дона акция эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ ва акциядор 303 750 дона акция эгаси Пирназаров Атаназар томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан, Турсунов Фахриддин Иброхимович – "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассис, Ахмедов Шарофиддин Шодимуротович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи, Хусаинова Кундузхон Равшонбековна –"Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ корпоратив масалалар бўйича мутахассиси, Юсупов Тўлқин Комилович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси, Пирназаров Атаназар - Акциядор, Искандаров Махмудбай Қодирбердиевич –"Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ тугатиш комиссияси раиси, Машарипов Равшан Джуманазарович- Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси, номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

***"Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ ва акциядор Пирназаров Атаназар, томонидан кўрсатилган номзодлардан:***

Турсунов Фахриддин Иброхимовичга:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Ахмедов Шарофиддин Шодимуротовичга:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Хусаинова Кундузхон Равшонбековнага:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Юсупов Тўлқин Комилович:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Пирназаров Атаназарга:
**"Ёқлаганлар" – 721 242 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Искандаров Махмудбой Қодирбердиевичга:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**
Машарипов Равшан Джуманазаровичга:
**"Ёқлаганлар" – 2 547 843та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

***"Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ ва акциядор Пирназаров Атаназарлар томонидан кўрсатилган номзодлардан:***

**1. Турсунов Фахриддин Иброхимович – "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассис;**

**2. Ахмедов Шарофиддин Шодимуротович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи;**

**3. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна - “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ корпоратив масалалар бўйича мутахассиси;**

**4. Юсупов Тўлқин Комилович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси;**

**5. Пирназаров Атаназар - Акциядор;**

**6. Искандаров Махмудбай Қодирбердиевич – “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссияси раиси;**

**7. Машарипов Равшан Джуманазарович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти худудий бошқармаси бош мутахассиси.**

<u>Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича</u> жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М. Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

| т/р | Аудиторлик ташкилотининг номи | Мурожаат санаси ва рақами | Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда | Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | *MCHJ “AUDIT UNION” AT* | *17.04.2023й №1/7* | 13 440,0 | 12 320,0 |
| 2 | *MCHJ “ASR AUDIT ANDIJON”* | *16.04.2023й №16* | 17 000,0 | 18 000,0 |

Муҳокама давомида жамият акциядори А. Пирназаров жамиятга келиб тушган тижорат таклифларини инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 2 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

**-Аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Audit Union” МЧЖ АТ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 13 440,0 минг сўм белгилансин;**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;**

**-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамият бош директори С.Аллабергановга берди.

С.Аллаберганов жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “Audit Union” МЧЖ АТ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2023 йил 15 майдаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси – **245** баллга баҳоланган, яъни **қониқарли** деб эътироф этилган *(хулоса илова қилинади).*

Бундан сўнг, кузатув кенгаши аъзоси К. Хусаинова сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтаришни ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Audit Union” МЧЖ АТнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**- 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтариш бўйича тегишли чоралар кўрсин.**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М. Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятнинг ижро органи ходимларининг штатлар жадвали билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ижро органи ходимларининг штатлар жадвали Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамиятнинг ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори М. Мадаминовга берди.

М. Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2023 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 104 683 866 сўмлик дебиторлик ҳамда 7 894 504 сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди *(хулоса илова қилинади)*.

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**"Ёқлаганлар" – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**"Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1.Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик қарздорликлари 3-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – А.Хўжаниёзов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига кўра, Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Шундан сўнг, жамият директори С.Аллаберганов жамият низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинишини айтиб ўтди.

Шунга кўра, жамият низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши сабабли жамият низомининг янги таҳририни тасдиқлаш лозимлигини билдирди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави амалдаги қонунчиликка мувофиқ умумий йиғилиш қарорига асосан қайта рўйхатдан ўтазилиши тасдиқлансин.**

**2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилишда раислик қилувчи: __________М. Искандаров**

**Йиғилиш котиби: __________А. Хўжаниёзов**

Йиғилиш баённомаси 2023 йил “27” июнь куни икки нусхада тузилди.